## • ИНСОН ВА ҚОНУН

# ФАВҚУЛОДДА ЖАЗО

## ёки одам нега ваҳшийга айлангани тўғрисида суҳбат

1988 йилнинг баҳорида Тошкент даҳаларидан бирида ваҳшийлик рўй берди: ўттиз етти ёшли йигит ўзининг 11 ёшли қизи номусига тегди ва бу мақсадини амалга оширишга тўсқинлик қилган хотинини, яъни бебахт қизи ва яна бошқа уч фарзандининг онасини бўғиб-уриб азоблаб ўлдирди.

Одам дейишга тил айланмайдиган бу ваҳший устидан суд бўлаётганини эшитиб, Тошкент шаҳар судига бордим. Мени суддан кўра уни кўриш қизиқтирган эди: ким экан у, афтибашараси одам боласига ўхшармикан!

Ухшар экан. Бунинг устига, бинойидек. Ҳатто ўзини безаш учундир, мўйлов ҳам қўйган. Фақат кўзлари совуқ. Жуда ҳам совуқ. У разил жиноятни адашиб, тасодифан содир этмаганини мана шу кўзлари ифодалаб турибди. Кўзлар бирданига ёки қисқа вақт ичида бунақа совуқ бўлиб қолмайди.

Судда марҳуманинг онаси, опаси, укаси ва бошқа гувоҳларнинг кўргазмасини эшитдим. Ҳукмни эшитдим. Бироқ, бу воқеа ҳақида ёзишга узоқ вақт қўлим бормади.

У жирканч эди. Ҳаётимиз учун хос ҳам эмас. Ёзмаётганимни шу билан оқладим. Бироқ...

Инсон боласи негадир жоҳиллашиб, тубанлашиб бораётганидан далолат берувчи воқеа-ҳодисалар тез-тез учрай бошлагани бу ҳақда ёзиш зарурлигини таъкидларди. Юқорида эслатилган шахс устидан олиб борилган суд жараёнига раислик қилган Тошкент шаҳар судининг аъзоси Эркин ЙУЛДОШЕВ, адвокат Фармон МЎМИНОВлар билан суҳбатимиз ушбу ҳодиса ва унинг сабабларига бағишланди.

**Мухбир:** Эркин ака, аввало, газетхонларда тасаввур ҳосил бўлсин учун, воқеани қисқача баён қилиб берсангиз.

**Судья:** Ҳа, қанчалик жирканч ва оғир бўлмасин, бу воқеа тўғрисида гапириш керакка ўхшайди. Токи, ҳикоямиз, охир-оқибат ана шундай ваҳшийликка элтадиган йўлга тушиб кетаётган баъзи ёшларнинг ақалли биттасини бу йўлдан қайтарса — катта иш қилган бўламиз. Бу қабиҳ йўлнинг аввали — бекорчилик, ҳеч қаерда ишламаслик. Кўп жиноятларнинг дояси — бекорчилик. Искандарнинг фожиаси ҳам шу йўлдан бошланган. Таржимаи ҳолига кўз ташласангиз, бу равшан бўлади: магазинда сотувчи, экспедитор. Сўнг, қайнона-қайнотаси «Москвич» олиб бергач, ишламай қўяқолди. Бирнеча йил бекор юрган. Айтишларича, машина тузатадиган яхши уста экан. Чакана устачилик ҳисобига кун кўрган. Ичган, чеккан, гиёҳвандликка айланишган. Қотилликдан сўнг уйи текширилганида ҳам пайпоққа беркитилган қора дори топилган. Буларнинг бари — ахлоқий бузуқликка, сўнг эса инсоний хусусиятларни йўқотишгача олиб келган. У ўз қизи билан ножўя ҳаракатни бирнеча йил аввал бошлаган, буни хотини сезган, бошқа яқинларнинг қулоғига ҳам етиб борган. Бироқ, ўзбекчилик, ор-номус дегандек, буни ошкор этишмаган, ақли жойига келиб қолар, тўртта боласи бор, деган андиша-ю умидни хаёл қилганлар. Афсуски... яхши ниятдаги сабр-тоқат бу сафар акс таъсир кўрсатди. Искандар яна қизига ола қарай бошлаганини Маъмура онасига ҳам эслатган эди. Ўша кеча у, уч-тўрт кун номаълум ёққа ғойиб бўлгач, уйига яна ширакайф келган эди. Спиртли ичимлик ичганми, «қуруғи»дан отганми, ўзи билади. «Нега опанг менинг болаларимга қанд билан туфли олиб келади, ма, пулини обориб бер», дея ўдағайлаб хотинини жўнатди. Эрининг қизига нисбатан бузилиб юрганини пайқаган Маъмура опасининг уйига борди-ю, тезда қайтди. Уйга киришга юраги бетламади. Қўшни «дом»да турадиган онасининг уйига кириб, ҳасратини айтди. Она ўғлини поччасининг олдига юборди. Баҳодир эшикни узоқ жиринглатгач, Искандар гўё ухлаётгандек кўзларини ишқаб эшикни очди. Баҳодир унинг сунъий ҳаракатини сезди, сезмаганга олди ўзини. Ҳеч нима билмагандай ҳол-аҳвол сўрашиб, нарда ўйнаб гаплашиб ўтиришди. Бу орада Маъмура ҳам онаси билан * кириб келди. Соат ўн иккилардан ошгач, Искандар меҳмонлар бўлишига қарамай ётоқхонага кириб кетди. Она ва ўғил, Искандар энди ухлади-ку, дея хотиржам уйларига кетишди.

Искандар «ҳунари»ни шундан сўнг бошлаган. Болалари ётган хонадан қизини етаклаб чиққан. Хотинига ётоқхонадан чиқиб кетишини буюрган. Хотин, онаизор ялиниб-ёлворган, инсофга чақирган. Ҳайвоний ҳирс қутуртирган, йиртқичга айланган одам хотинини бир уриб чўзилтирган ва беҳуш хотини ёнида... қизини зўрлаган. Ҳушига келган Маъмура кўзларини очиб булар томонга қараб пичирлаганда Искандар «нариёққа қара, кўзларингни ўйиб оламан» дея бақирган. Буни Маъмура тушунмаган, нима бўлаётганини англаб-англамай гарангсиб ётаверган, Искандар кафтини қирраси билан хотинининг томоғига бир уриб... унинг кўзларини юмдирган ва разил ниятини амалга оширган: ўн бир яшар қизининг номусини бузган.

Эрталаб, иккинчи сменага ўқишга борадиган болаларини мактабга ҳайдаган. Ваҳший ота иродасига қўрқа-писа сўзсиз бўсунадиган болалар укасини бувисининг уйига ташлаб, мактабга кетишган. Набираларининг мактабга бевақт кетаётганидан юраги ҳаприққан буви бечора тезда ўғлини қизининг уйига жўнатган. Баҳодир квартира эшигини бузиб ичкари кирса... опаси ўлиб ётибди! Бошқа ҳеч ким йўқ.

Искандар эса қизини етаклаб Қорақамиш чеккасидаги пастқам-жарликларга жўнаган эди. У... у ерларда яна ифлос-ваҳшийларча ишини давом эттириб, кечга яқин қизини автобусга солиб жўнатиб, ўзи ғойиб бўлган...

**Мухбир:** Мен бунақа ваҳший кимса ниҳоятда тарбиясиз-қўланса оилада етишган бўлса керак, деб ўйлаган эдим, лекин судда марҳуманинг онасининг гапи хато ўйлаганимни тасдиқлади. Эсингиздами, кампир бечора қора курсидаги қотил куёвига қарата «Уф, нима дейин, падарингга лаънат десам падаринг яхши одам эди» деди аламидан жизғанак бўлиб.

**Адвокат:** Ҳа, оиласи яхши, ҳаммаси бамаъни одамлар, олий маълумотли акалари ҳам бор. Битта шу шоли орасидаги курмакдек чиқиб қолган экан. Туғишганларидан бирон киши судга ҳам келмади — уни оқ қилишгандек.

**Судья:** хотин томоннинг оиласи ҳам ниҳоятда тартибли: ота институтда, она мактабда ўқитувчи, бошқа болалари ҳам олий маълумотли. Маъмура педагогика институтини тугатган экан, эрининг бемаъни рашки-раъйига қараб ишламай қўйган. Оилам бузилмасин, болаларим етим қолмасин деган.

**Мухбир:** ўзбекнинг яхши одат-анъаналари бор — бир гапдан қолиш, ота-она юзига тик қарамаслик, эрга нисбатан бетгачопарлик қилмай паст келиш кабилар. Бироқ, айрим пайтларда бу одатга амал қилувчилар ҳам, амал қилдирувчи томон ҳам уни суиистеъмол этмаяптими?

**Судья:** гапингиз тўғри. Маъмура айнан эрига кўр-кўрона садоқатнинг, келишувчиликнинг қурбони бўлди. Албатта, бу билан мен асло аёлларни бўлар-бўлмасга эрга тенглашиш ё баланд келишга чақирмоқчи эмасман. Бироқ, ҳар бир нарсанинг меъёри бор. Ҳурматни ҳам, муросани ҳам. Паст келиш яхши, бу — аёлни безайди, лекин, қулга айланмаслик керак. Искандар 1981 йилда безорилик учун бир йил шартлига қамалганида, ундан кейин ойлаб бесабаб «йўқолиб» қолганларида Маъмура идиш-товоқ ювадиган ишга кирган, баъзан ишхонасидан келтирган қолган овқатлар билан болаларини тўйдирган-у, буни ота-онасига билдирмаган. Ана сабр-тоқат.

**Судья:** Искандар тайинли турар-жойга ҳам ёлчимагач, Маъмуранинг ота-онаси қариндошининг вақтинча бўш квартирасини сўраб беришган, воқеа ўша квартирада содир бўлган.

**Мухбир:** Уй, машина...

**Судья:** Ҳа, Искандар туз ичиб, тузлиққа тупурган.

**Мухбир:** Искандар қандай топилган?

**Судья:** Бутуниттифоқ қидируви эълон қилинган экан, 15 кундан сўнг Толдиқўрғонда ичиб ётган жойидан тутиб келтиришган.

**Мухбир:** болалари нима бўлади энди?

**Судья:** Маъмуранинг ота-оналари, ўзимиз тарбиялаймиз, дейишди.

**Мухбир:** Менинг фикримча ҳам, олий жазо тўғрисида ҳукм чиқариб, суд адолатли хулосага келди. Ҳукмни Ўзбекистон ССР Олий суди кучида қолдирди, энди ижро этиладими?

**Судья:** Йўқ, республика Олий Совети Президиумининг авф этиш бўлимига ёзади. Агар улар ҳам ҳукмни тасдиқласа, Москвага ёзади.

**Адвокат:** Умуман, олий жазони ижро этиш мураккаб. Мингта чиғириқдан ўтади. Мен масалан, ҳукмни халқ кўзи олдида дарҳол ижро этиш тарафдориман.

**Мухбир:** Мен яқинда «Известия» газетасининг шарҳловчиси Ю. Феофановнинг «Ёш ленинчи» газетасида эълон қилинган суҳбатида шу фикрни илгари сурдим, юридик жиҳатдан катта тажриба ва малакага эга бўлган у одам бу фикрни қатъиян рад этди, бундай тадбир жиноятнинг камайишига мутлақо ёрдам бермайди, деб айтди.

**Адвокат:** Менимча, ёрдам беради, катта ёрдам беради.

**Судья:** албатта, социалистик жамиятда бунақа ибтидоий усулга қайтилишига менинг кўзим етмайди-ю, агар қайтилса, менимча ҳам фойдаси катта бўлур эди. Эшитган бошқа, кўрган бошқа-да. Ҳозирча эса, биз бу борада бор имкониятлардан ҳам яхши фойдаланмаяпмиз. Инсоннинг тубанлашиб, жоҳиллашиб бораётгани фактлари бўйича суд жараёнларини телевидениеда кўрсатишни кенг тажриба қилиш зарур.

**Мухбир:** ҳозир жиноят кодексидаги мавжуд жазолар етарлими?

**Судья:** етарли. Бироқ айрим ҳолларда у негадир пасайтирилади. Масалан, Киров район ички ишлар бўлимининг икки милиция ходими 23 ёшли қизни боғча қоровулхонасида зўрлаб, қаршилик кўрсатса уриб-тепкилаб жинсий алоқа қилиб, сўнг ҳайдаб юборишган. Январь, совуқ. Қоровул чол эрталаб қараса, қиз ҳовлида ётибди, чалажон. Милиционерлар уни ўлдиришган, жиноят изларини йўқотиш учун. Бири 10 йил, бири олий жазо, қоровулга эса 5 йилга ҳукм қилинди. Олий суд эса жазони 5 йил, 10 йил, 3 йилга туширди... Яна бир масала ҳақида гапиришни истардим. Агар Олий Совет Президиуми ҳукмни тасдиқласа ҳам, ишни Москвага юбориш учун ҳам ҳукмни, ҳам суд мажлиси протоколини рус тилига таржима қилиш керак. Судья таржима қилади, махсус ажратилган таржимон йўқ. Энди, 50—100 бетлик ҳукмларни, 500 бетлик протоколларни таржима қилишни кўз олдингизга келтиринг! Таржима учун 1—2 кун бўш вақт ажратиб беришса ҳам кошки эди, у йўқ. Агар ўзбек тили давлат тили статусини олганида ҳам олий жазо тўғрисидаги ишни таржима қилиш давом этадиган бўлса, бу ишдан судьяларни озод қилиш зарур. Йўқса, гоҳо таржиманинг оғирлигидан қочиб олий жазо бермаслик ҳоллари ҳам бўлишини очиқ айтиш керак...

**Мухбир:** Эркин ака, биламизки, сиз тажрибали ва малакали судьялардан бирисиз. Шунинг учун ҳам кўпинча оғир ёки ҳақиқий хулосасини тополмай сансолар бўлиб юрган ишлар сизга топширилиши мумкин. Судда кўрган ишингиздан ўртача неча фоизи бекор бўлади?

**Судья:** бекор бўлади, лекин камдан-кам. Масалан, ўтган йили кўрган ишларимдан бирontaси бекор бўлмади. Жами судьялик фаолиятимда бешта олий жазо белгилаганман, шундан битта ҳукмим ўзгарди — 20 йил қамоққа алмаштирилди.

**Мухбир:** Одамлар орасида бу даражада ваҳшийлашишлар пайдо бўлаётганининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

**Судья:** Ғоявий тарбия издан чиқди. Натижада маънавий қашшоқлашиш туғилаяпти: айрим ёшлар ҳаётининг мазмунини яратишда эмас, балки ресторанда ва махфий фоҳишахоналарда айш-ишратдан иборат деб тушунади. Уларнинг бунақа тушунчасини ўзгартирадиган на бақувват идеология бор, на бир кучли эътиқод қолди. Маишат учун эса катта пул керак. Оқибати — ўғирлик, босқинчилик.

**Адвокат:** Бир гапни айтардим-у, қалтисроқ-да...

**Мухбир:** Айтаверинг, ҳозир ошкоралик даври, мулоҳазани очиқ айтиш пайти келган.

**Адвокат:** Халқаро ҳамкорликнинг фойдали томонлари сўзсиз кўп, лекин идеология соҳасидаги халқаро ҳамкорлик, яъни ажнабий идеологиянинг мамлакатимизга кенг кириб келиши ёшлар эътиқодини издан чиқармоқда. Жазавали беҳаё рақслар, чинқириқ қўшиқлар...

**Мухбир:** Фикрингизга қўшиламан. Бу идеология ёшларни эмас, катталарни ҳам издан чиқарди. Куни кеча телевизорда фильм кўрдим: ҳар 5—10 минутда ўпишиш. Совет фильми. Катталар яратган. Бу фильм бадиий санъат асаридан кўра кўпроқ ўпишиш дарсига ўхшайди.

**Адвокат:** бунақа фильмлар сифатсиз-яроқсиз молини пуфлаб-пардозлаб харидорга ўтказишнинг пайидан бўлган чайқовчини эслатади.

**Мухбир:** Эркин ака, олий жазо тўғрисидаги ҳукмни ўқиётганда сесканасизми?

**Судья:** У ким бўлишидан қатъий назар, бир инсонни ўлимга маҳкум этишнинг ўзи бўлмайди: юрагингиз бир қалқийди, судланувчига қарасангиз ранги ўчганини кўрасиз. Оғир, жуда оғир. Лекин наилож, қилмиш-қидирмиш. В. И. Ленин олий жазони бекорга «фавқулодда жазо чораси» деб атамаган.

**Мухбир:** кейинги вақтда жиноятларнинг кўпаётганида жиноят кодексимиздаги кемтик томонларнинг таъсири йўқмикин?

**Судья:** Мен ҳам шундай фикрдаман. Ҳозир муҳокама этилаётган янги қонун лойиҳасида яна кўп «юмшатишлар» бор. Бунга биров қарши, биров тарафдор. Йирик олимлар ва юристларнинг ўзлари ҳар хил фикрда. Рост, узоқ йил қамоқда ўтирган одам у ердан чиққач, яхши бўлиб кетиши қийин, бунга қўшиламан. Бироқ, шунақа экан деб жазони ҳаддан ташқари юмшатиш эса, менимча ўғирлик ва безориликларни кўпайтириши ҳам эҳтимол. Буни ҳаёт кўрсатади. Ҳар ҳолда ўғирлик ва безорилик жиноятларининг кўп қисмини вояга етмаганлар содир этади, янги қонун лойиҳасида вояга етмаганларга нисбатан жазонинг юмшатилишига мен қўшилмайман. Масалан, квартирага ўғирликка тушганларга 3 йилгача қамоқ жазоси белгиланган, янги қонун лойиҳасида эса уни 3 йил шартлига алмаштириш кўзда тутиляпти. Нотўғри. Грузияда автомобиль ўғриларига нисбатан жазо кескин кучайтирилганидан сўнг у ерда бу жиноят кескин камайди ва... Ўрта Осиё республикаларида кескин кўпайди!.. Жиноят кодексининг 44 прим моддаси бўйича ҳукмни ижро этишни 2 йилгача суриш мумкин эди, лойиҳада буни 5 йилгача етказиш таклиф этиляпти. Бу — тўғри!

**Мухбир:** Суд мажлисида Собир Раҳимов район прокурорининг ёрдамчиси Қ. Мирзажонов ҳам тажрибали ва юқори малакали эканлигини намойиш этди. У гувоҳ — марҳуманинг қўшниси бўлмиш аёлга шундай савол берди: «Сиз Искандарнинг бу қилмишини қандай баҳолайсиз?» «Бу ишни одам боласи эмас, ҳайвон ҳам қилмайди» дея титраб жавоб берди у.

**Судья:** ҳа, бу — айбланувчига берилган қисқа ва лўнда характеристика. Менинг қулоқларимдан қизчанинг ёлворган ноласи анча вақтгача нари кетмади: «Ада, майли, мен розиман, фақат опамни (онамни, демоқчи) ўлдирманг!»

Йўқ, буни кўз олдимга келтирсам, айбланувчини ўлим жазосига ҳукм этиб минбаъд тўғри қилганимизга ишонаман.

* * *

Суҳбат тугади. Воқеа қаҳрамонларининг номини ўзгартирдик. Чунки, гулзорда пайдо бўлган шумғия каби бир шахснинг қилмиши туфайли бошқалар азият чекавермаслиги керак. У ўз бошини еб кетди, ҳаёт эса давом этаверади...

Суҳбатни Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ ёзиб олди.

# • ОРОМГОҲЛАР ҚЎЙНИДА •



Ёзнинг жазирама иссиғида болаларингиз ҳам, ўзингиз ҳам бемалол ҳордиқ чиқарадиган, сўлим оромгоҳ излашингиз, табиий.

Пойтахтдаги В. И. Ленин номли болалар боғи ана шундай жойлардан бири. У шаҳар марказида, энг соя-салқин, ажиб манзарали, кўркам бир ерда жойлашган. Бу боғдаги мавжуд нарсаларнинг бари кичик ёшдаги мижозларнинггина эмас, катта ёшдаги ташриф буюрувчиларнинг ҳам соғлиғини тиклаш, уларга қувноқ кайфият бағишлаш, бафуржа ва тўкис ҳордиқ чиқариш учун хизмат қилади.

Боғ қўйнида кўплаб турли аттракционлар ишлаб турибди. Хусусан, машиналарда сайр қилиш имконини берувчи «Светофор», «Бўрон», «Шимол» қувноқ поезди, «Арғимчоқ», «Қўнғироқча» каруселн, «Иллюзион» аттракционлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари «Буратино» ва «Қорпарча» кафелари ҳам меҳмонлар хизматида. Бу кафеларда ёз фаслининг энг тансиқ неъмати — музқаймоқлар билан савдо қилинади.

— Фарзандларингизни чинакам эртаклар шаҳарчасида бўлиб, ўзлари севган қаҳрамонлар билан учрашишларини ёки сўлим боғ қўйнидаги бассейнда сузиб, саховатли ёзнинг барча инъомларидан тўлиқ баҳраманд бўлишларини истасангиз, бизнинг оромгоҳга келаверинг,—дейди ушбу боғ директори Содиқжон Собиров. — Мабодо шанба ёки якшанба кунлари келсангиз, биз турли касб эгалари байрамларини нишонлаётган бўламиз. Бу ёш авлодда истиқболда ўзини кутаётган ихтисосликларга нисбатан меҳр учқунларини уйғотса ажаб эмас.

**У. ҲИКМАТОВ.**

**Суратларда: Боғнинг бир куни.**

**Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.**

# СПОРТ

## ОЛМАОТАДА МАҒЛУБИЯТ

✦ «ПАХТАКОР» навбатдаги учрашувни ўтган куни Олмаотада «Қайрат» командаси билан ўтказди. Ўзбекистон телевидениеси олиб кўрсатган бу учрашувни республикамизнинг минглаб футбол мухлислари ҳам кўрдилар. Ўйин тенг кураш остида ўтди. Иккинчи бўлимда майдон эгалари 11 метрдан киритган ягона тўп қозоқ футболчиларига ғалаба келтирди. 20-турнинг бошқа ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Торпедо» — «Кузбасс» — 4:0, «Котайк» — МАСК — 0:1, «Металлург» — «Ростсельмаш» — 1:1, АСК (Р) — «Факел» — 1:2, «Спартак» — «Динамо» (Ст) — 4:2, «Нефтчи» — «Гурия» — 1:0, «Динамо» (Бт) — «Шинник» — 3:1, «Кубань» — «Геолог» — 0:1, «Нистру» — АСК «Карпати» — 3:1, «Таврия» — «Даугава» — 2:0.

Тошкентлик футболчилар навбатдаги учрашувни 11 июлда Тюменда «Геолог» командаси билан ўтказадилар.

## ЁШЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

✦ ШУ КУНЛАРДА мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларида ёшларнинг Бутуниттифоқ IVспорт ўйинлари давом этмоқда.

Баскетболчилар беллашувида Туркманистон командасини 70:48 ҳисобида мағлубиятга учратган вакилларимиз иккинчи босқичга чиқишди. Бу группада улар Москва, Эстония ва Қирғизистон коллективлари билан кураш олиб борадилар. Москва вакиллари билан бўлган дастлабки ўйинда баскетболчиларимиз 79:101 ҳисобида ютқазишди.

Камондан отишда республикамиз вакиллари еттинчи (ёшлар), стол теннисн мусобақаларида қизларимиз тўққизинчи, ўсмирларимиз ўнинчи ўринни олишди.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

## ОДАМ «АКУЛА»ЛАР

✦ ХАРАРЕ. Ҳинд океанининг Жанубий Африка қирғоқлари яқинида яшайдиган тюленлар кутилмаган хавфга дучор бўлишди. Яқинида Кейптаун пляжларида браконьерлар ўлдирган бу денгиз жониворларининг 400 та жасади топилди. Жиноятчилар тюленларнинг терисини ҳам, гўштини ҳам олмаганлар, фақат ҳайвонлар танасининг айрим жойларини кесиб олишган.

ЖАР балиқчилик бошқармасининг вакили Том де Бруин бу нодир жониворларнинг кесиб олинган аъзоларидан Осиёнинг баъзи районларида донжуанлар орасида жуда қадрланадиган қувватни тикловчи воситалар тайёрлашда фойдаланилади, деди.

Худди шу сабабга кўра браконьерлар Африкада бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолган каркидонларини шафқатсиз овламоқдалар. Бу жониворнинг бир килограмм шохи учун Шарқ доришунослари 26 минг доллар пул тўлашяпти. Ҳозиргача тюленларнинг ягона душмани оқ акулалар ҳисобланарди. Лекин энди доришунослик бизнесининг «акула»лари улар қаторига қўшилди.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

**8 ва 9 июль соат 16.00 да**

«ИНЬ-ЯНЬ» БИРЛАШМАСИ

### «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»

ҚУНГИЛОЧАР ШОУ-ПРОГРАММАСИНИ

### НАМОЙИШ ЭТАДИ

**ПРОГРАММАДА:**

«УШУ»нинг ташқи ва ички усуллари;

корейсча ТАЙКВАНДО курашининг оёқ, қўл комплекслари;

кота рақслари, каратэ-до, ўз-ўзини ҳимоя қилиш усуллари, жуфт-жуфт бўлиб амалга ошириладиган «айкида» машқлари.

**Республика Модалар театрининг чиқишлари.**
**Замонавий кийим-бошлар намойиши.**

АУКЦИОН! АУКЦИОН! АУКЦИОН!

**Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.**

**Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.**

**Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.**

**Справкалар учун телефонлар — 44-35-91, 44-35-84.**

# • РАССОМ ҲАЖВ ҚИЛАДИ •



— ДАДА, боғча опамизга дўконингиздан қачон «импорт» туфли олиб келиб берасиз. Ҳар куни гап эшитаяпман-ку!



— ОШПАЗ:
— Бугун ҳам қуруқ суяк юборишибди. Яна шўрва қиламан шекилли.

Расмларни М. Унгаров ва Ш. Субҳонов чизган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01332. Б — 1630 Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12